

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**232** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг Табиий ва суюлтирилган газдан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида 2010 йил 21 май куни Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган битим тасдиқлансин.

2. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мазкур Битимнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани ҳамда Битимнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли органлар тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 2 июнь,
ПҚ-1546-сон